

ЖУҚУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

1998 йил
20 май, чоршанба

19 (31)

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



15 май куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг мажлислар залида Республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгашга республика ҳуқуқ-тартибот идоралари, Вазирликлар, кўмиталар, компания ва уюшмалар, инсон ҳуқуқлари бўйича давлат ва жамоат таъкилотлари раҳбарлари, вилоят, шаҳар прокурорлари тақлиф этилдилар.

Кенгаши республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Б.Мустафоев бошқарди.

Йиғилишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда Республика прокуратурасининг судларда жиноий ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармасининг бошлиғи, 3-даражали Давлат адлия

маслаҳатчиси Б.Пўлатов маъруза қилди.

Кун тартибидagi ушбу масала муҳокамасида «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси бошқаруви раисининг 1-ўринбосари Б.Пенцов, «Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Ҳ.Мирпўлатов, Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг 1-ўринбосари Р.Султонов, Ички ишлар вазирлигининг ҳазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи М.Турсунхўжаев, Республика Давлат солиқ қўмитасининг раиси В.Беганов, Адлия Вазирлиғи бошқармаси бошлиғи Н.Зокиров, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг директори А.Саъдов, Адвокатлар уюшмаси вице президенти Ш.Ахорова ва бошқалар иштирок этдилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши музокараларда билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифларни эътиборга олган ҳолда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (Кенгаш қатнашчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар баёни куйида берилган).

Б.ПЎЛАТОВ,

Республика прокуратурасининг судларда жиноий ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи:

Бир йил олдин - 17 апрел куни ўтказилган Мувофиқлаштирувчи кенгашда тасдиқланган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, уни мустоҳкамлаш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар» дастури асосида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларининг фуқароларнинг муражатларини тўғрисидаги қонунни бажариш фаолиятлари текширилиб, натижалар жойларда муҳокама қилинди ва тегишли тадбирлар белгиланди. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонун бажа-



рилиши амалиёти Олий суднинг Пленумида қўрилиб, атрофида муҳокама қилинди.

«Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари тизимларида ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида фуқароларнинг тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашнинг, дори-дармон ва бошқа тиббий анжом-ускуналардан мақсадли, оқилона фойдаланишнинг аҳоли ўрганилди.

«Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари тизимларида ўтказилган текширишлар ички истеъмол бозорини сифатли моллар билан тўлдирини, уларни аҳолига узлуксиз етказиб бериш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш борасида жиддий қонунбузарликлар, истеъмолчилар ҳуқуқларини турли йўللар билан поймол қилиш ҳолатлари кенг тарқалганлигини кўрсатди.

Истеъмол мuddоти ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва сотиш ҳоллари ҳам кам эмас. Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги савдо дўконларида сақланаётган 501,3 минг сўмлик, Зомин тумани бўйича 78,8 минг сўмлик, Зафаробод тумани бўйича 95,5 минг сўмлик, Жиззах тумани бўйича 345,6 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари текшириш жараёнида савдодан олиниб, утилизация қилинган.

Бундай ҳолатлар Бухоро, Термиз шаҳарлари, Узун тумон савдо таъкилотлари фаолиятида ҳам аниқланган.

Республиканинг қатор минтақаларида кўп қабил хориждорлар ҳақида хиёнат қилиш ҳоллари аниқланиб, айбдорлар қонуний жавобгарликка тортидилар.

Текширишлар натижасида, 1187 нафар мансабдор ва масъул шахс маъмурий, 65 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортинди. 949,5 минг сўм миқдорда жарима ундирилди, 43 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди.

Санитария - эпидемиология хизмати идоралари фаолиятидаги жиддий камчиликлар, савдо ва маъмурий хизмат объектларининг санитария-гигиена ҳолати озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг

(Давоми 2-3 - бетларда).

ТАБРИКЛАЙМИЗ ВА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 14 май кунги Формониغا асосан

Азимжон Урдушевич
ЭРГАШЕВ



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

А.У.Эргашев 1959 йилда туғилган, ўзбек, маълумоти олий ҳуқуқшунос. Прокуратура идораларида 1982 йилдан иш ўрганувчи, шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, туман прокуратурасининг терговчиси, вилоят прокуратураси бўлим прокурори, шаҳар прокурорининг ўринбосари, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, туман прокурори, вилоят прокурорининг ўринбосари, биринчи ўринбосари, 1996 йил март ойдан эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг маъмурий-ҳуқуқий масалалар ва жамоат хавфсизлиги бўйича эксперти, етакчи консультанти лавозимида ишлаб келган.

Республика прокуратураси ҳайъатида

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ИЗЧИЛ ВА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

15 май куни Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Буритош Мустафоев бошқарди.

Кун тартибидagi биринчи масала - «Андижон вилоят прокуратураси идораларининг қонунчилик, ҳуқуқ тартибидини мустоҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш фаолияти юзасидан ялпи текшириш якунлари ҳақида» Республика прокуратураси таъкилот нозорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Аҳмад Азларов ахборот берди. Унда таъкилотни шунингдек, Андижон вилоят прокуратураси идоралари 1996 йилда ўтказилган ялпи текширишдан сўнг маъмурий йўналишда муайян икборий ишларни амалга оширганлар. Айни пайтда Республика ва вилоят прокуратураси ҳайъатлари қарорларининг ижросини таъминлаш, режа ва ижро интизом, қуйи прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятига раҳбарлик қилишда камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон, Улунор, Мархамат, Пахтабод ва Булоқ-боши туманлари прокуратуралари фаолиятида шундай камчиликлар аниқланган. Натيجода Андижон вилоятида жиноят қони 1997 йилда 1996 йилга нисбатан 1,8 фўизга ортган. Оғир ва ўта оғир жиноятларнинг ўсиши ҳисобига вилоятда текзор вазиятдаги кескинлик сақланиб қалмоқда.

Ахборотда келтирилган фактлар юзасидан Андижон вилоят прокурори У.Шамсиев тушунтириш берди.

Кун тартибидagi навбатдаги масалалар юзасидан Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Султон Полвнонов ахборот берди.

Маълумки, Республика проку-

ратураси ҳайъатининг 1997 йил 17 апрелдаги мажлис қарори б-бандида прокурорларга жиноятларнинг ўсиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб, қидирилаётган шахслар, бедарак йўқолганлар ва шахси номаълум мурдаларга оид маълумотларни жамлаб, бу борадаги аҳолини ўнлашга қаратилган текзор чоралар қўриш вазифаси топширилган эди. Хўш, бу топшириқ қандай бажарилмоқда?

Шунингдек, Бош прокурорнинг «Жиноятчиликка қарши кураш, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти самардорлигини ошириш ҳақидаги 13-сонли буйруғи ижросининг жойлардаги аҳоли қандай? Ахборот берувчининг таъкидлашича, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри прокуратураларидаги аҳолининг текширилиши, бошқа вилоятлардан олинган маълумотларнинг таҳлили хали бу борада кўп иш қилиниши лозимлигини кўрсатмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари прокурорлари қайд этилган камчиликлар юзасидан тушунтириш бердилар.

Бош прокурор муҳокама этилаётган масалаларнинг мамлакатимизда қонунчиликни таъминлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, прокуратурадаги масъул раҳбарларни бу борада сусташликка йўл қўйган ходимларга нисбатан муросаси бўлишга чакирди.

Мажлисда «Судларда ҳўжалик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисидаги Низом лойиҳаси муҳокама этилди.

Ҳайъат йиғилиши қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

59a-77

ЮРИДИК МАСЛАҲАТХОНА

Тергов ёки судга гувоҳ сифатида чақирилганларга иш ҳақи тўланадими?

**А.ОРИПОВ,
Қўқўрғон тумани.**

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 319-моддасига мувофиқ гувоҳ тарикасида, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий давogar ва фуқаровий вакиллари, эксперт, мутахассис, торжimon, холис, жамoат айбловчиси ва жамoат химоячиси тарикасида чақирилган шахсининг суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга чақирилганлиги билан боғлиқ вақт учун уларнинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Отам бир йил аввал жиноий жавобгарликка тортилган эди. Айти пайтда оғир касалликка мубтало бўлган. Жазо муддатини қисқартирши ёки бутунлай озод қилиши мумкинми?

**З.ОРИПОВ,
Зомин тумани.**

Агар жазони ўташ вақтида сурункали руҳий касаллик ёки бошқа бир оғир касалликка дучор бўлса, судья тақдирномасига биноан махсус тиббий комиссиянинг хулосасига асосан, маҳкуми ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли. Бунда содир этилган жиноят ва маҳкум шахси ҳамда бошқа ҳолатлар ҳам инобатга олинади.

Озодликдан маҳрум этилган шахсининг пенсиясини унинг болаалари олиши мумкинми?

**Р.Б.
Тошкент.**

Йўқ. Агар пенсионер озодликдан маҳрум қилинган бўлса, тайинланган пенсия жазо белгиланган муддат ўтаб бўлинмагунга қадар тўхтатиб қўйлади.

Сугурталовчи сугуртачи сирларини ошкор этишга ҳақлими?

**В.ВОСИҚОВА,
Марғилон шаҳри.**

Сугурталанган шахс ва наф олувчи, сугурталанувчи, уларнинг соғлиги тўғрисидаги, шунингдек, бу шахсларнинг мулкий аҳоли тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмайди. Сугурта сирини оңганлик учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 985-, 1021- ва 1022-моддаларига асосан жавобгар бўлади.

Васиятномани тасдиқлаш пайтида гувоҳлар иштироки шартми?

**А.ПАРПИЕВ,
Зангиота тумани.**

Шарт эмас. Нотариуслар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган ва уларнинг ўзлари нотариусга шахсан тағдим этган васиятномаларни тасдиқлайди. Бундай ҳолатда вакиллар иштирокига йўл қўйилмайди.

**Саволларга ҳуқуқшунос
Д.ХАЛИЛОВ жавоб берди.**

France - 98

1998 йилнинг 10 июнь кунин Франциянинг Сен-Дени шаҳрида бўлиб ўтадиган Бразилия-Шотландия терма жамoаларининг ўйини билан футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади. Бир ой давомида юз миллионлаб футбол ишқибозларининг нигоҳи Францияга қаратилади. Бу улкан мусобақада ким голиб бўлишидан қатъий назар, XX аср футболлари даражаси сарҳисоб қилинади. XXI аср футболнинг дастлабки қадамлари, тенденцияси белгилаб олинади.

Чемпионатнинг янада кизикарли бўлиши башорат қилинмоқда ва бунга эса қуйидаги омиллар сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Асримиз сўнги жаҳон чемпионатининг мезбони Франция терма жамoаси фақат олтин медал учун курашди ва уларнинг бунга имконияти бошқаларникидан кам эмас.

Бразилия учун одатдагидек, чемпионликдан бошқа йўл фожиа ҳисобланади. Уларнинг Рональдо бошчилигидаги супержамoаси чемпионликка энг муносиб, деб баҳоланмоқда.

МУҲЛИСЛАР КҮН САНАШМОҚДА

Аммо, океан орти футболчилари Европада ҳамisha ҳам голиб чиқармаслиги жуда яхши маълум, бунинг устига бразилияликлар бундан 40 йил илгари биринчи ва охиригича Европада жаҳон чемпионати бўлганлар. Бу ҳолатлар ишқибозларнинг кизикишини янада кучайтирмоқда. Чунки «машина» номини олган Германия, жаҳоннинг энг кучли футболчилари иштирокида миллий биринчилигини ўтказиб келаётган Италия, ҳозирги кунда ҳар қачондагидан кучли ҳисобланаётган Испания ҳам «улоқ»ни океан ортилик меҳмонлар осонликча олиб кетишларини истамадилари аниқ.

Шу вақтгача чемпионлик учун кураш асосан Жанубий Америка ва Европа жамoалари ўртасида бўлиб келган. Кейинги йилларда эса Африка футболчи сезиларли даражада

кучайди, АҚШ да бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Нигерия терма жамoаси ўзига хос ўйини билан ҳаммани ҳайратта солган ва тасодиф туфайлигина медаллардан бирини ололмастидан қолган эди. Утган 4 йил ичида шу мамлакат олимпия терма жамoаси АҚШ да ўтказилган олимпиада чемпиони бўлди. Ҳозирги кунда Европанинг бир қатор кучли клубларида Нигериянинг 10 га яқин футболчилари юқори савияда ўйин кўрсатаётганлиги ҳам икки китъа давogarлигига барҳам бериши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмаслигини кўрсатмоқда. Бу чемпионатда Руминия, Югославия, Хорватия, Англия, Голландия, Норвегия, Аргентина, Дания, Болгария, Колумбия

терма жамoалари ҳар қандай рақибларининг ҳам курагини ерга теккизиши тайин.

Жаҳоннинг 32 давлати футбол жамoаси катнашадиган бу чемпионатда мусобақалар ҳар бири 8 тадан жамoадан иборат 8 та гуруҳда ўтказилади. Ҳар гуруҳдан иккитадан жамoа кейинги босқичга ўтади ва шундан сўнг ўйинлар олимпия тартибиде ўтказилади, яъни ютказган жамoа курашдан чиқиб кетади.

Чемпионат ташкилотчилари томонидан ўтказиладиган ҳар бир учрашувга шартли рақам берилган ва гуруҳ голиблари кейинги босқичларда қайси голиб жамoа билан қаерда ўйнаши, ўйин соат нечада бошланишигача белгилаб қўйилган.

Куйида гуруҳлар таркиби, ўйинлар жадвали, бошланиш соати ва қаерда ўтказилиши, кейинги босқичларда ким-кимга рақиб бўлиши ва бу учрашувлар қаерларда ўтказилиши тўғрисидаги маълумотни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЧЕМПИОНАТ ЖАДВАЛИ

«А» гуруҳи

1. Бразилия. 2. Шотландия. 3. Марокаш. 4. Норвегия

№ 1 10.06. Сен-Дени. 17.30. Бразилия-Шотландия.
№ 2 10.06. Монпелье. 21.00. Марокаш-Норвегия
№ 17 16.06. Бордо. 17.30. Шотландия-Норвегия
№ 18 16.06. Нант. 21.00. Бразилия-Марокаш.
№ 34 23.06. Сент-Этьен. 21.00. Шотландия-Марокаш.
№ 35 23.06. Марсель 21.00. Бразилия-Норвегия

«В» гуруҳи

1. Италия. 2. Чили. 3. Камерун. 4. Австрия

№ 4 11.06. Бордо. 17.30. Италия-Чили
№ 3 11.06. Тулуза. 21.00. Камерун-Австрия
№ 19 17.06. Сент-Этьен. 17.30. Чили-Австрия
№ 20 17.06. Монпелье. 21.00. Италия-Камерун
№ 33 23.06. Сен-Дени. 16.00. Италия-Австрия
№ 36 23.06. Нант. 16.00. Чили-Камерун

«С» гуруҳи

1. Франция. 2. Жанубий Африка. 3. Саудия Арабистони. 4. Дания

№ 5 12.06. Ланс. 17.30. Саудия Арабистони-Дания
№ 6 12.06. Марсель. 21.00. Франция-Жанубий Африка
№ 22 18.06. Тулуза. 17.30. Жанубий Африка-Дания
№ 21 18.06. Сен-Дени. 21.00. Франция-Саудия Арабистони
№ 38 24.06. Лион. 16.00. Франция-Дания
№ 40 24.06. Бордо. 16.00. Жанубий Африка-Саудия Арабистони

«Д» гуруҳи

1. Испания. 2. Нигерия. 3. Парагвай. 4. Болгария

№ 7 12.06. Монпелье. 14.30. Парагвай-Болгария
№ 10 13.06. Нант. 14.30. Испания-Нигерия
№ 23 19.06. Париж. 17.30. Нигерия-Болгария
№ 24 19.06. Сент-Этьен. 21.00. Испания-Парагвай
№ 37 24.06. Ланс. 21.00. Испания-Болгария
№ 38 24.06. Тулуза. 21.00. Нигерия-Парагвай.

«Е» гуруҳи

1. Голландия. 2. Бельгия. 3. Жанубий Корея. 4. Мексика

№ 9 13.06. Лион. 17.30. Жанубий Корея-Мексика
№ 8 13.06. Сен-Дени. 21.00. Голландия-Бельгия
№ 26 20.06. Бордо. 17.30. Бельгия-Мексика
№ 25 20.06. Марсель. 21.00. Голландия-Жанубий Корея
№ 41 25.06. Париж. 16.00. Бельгия-Жанубий Корея
№ 42 25.06. Сент-Этьен. 16.00. Голландия-Мексика

«Ф» гуруҳи

1. Германия. 2. АҚШ. 3. Югославия. 4. Эрон

№ 12 14.06. Сент-Этьен. 17.30. Югославия-Эрон
№ 14 15.06. Париж. 21.00. Германия-АҚШ
№ 29 21.06. Ланс. 14.30. Германия-Югославия
№ 30 21.06. Лион. 21.00. АҚШ-Эрон
№ 43 25.06. Монпелье. 21.00. Германия-Эрон
№ 44 25.06. Нант. 21.00. АҚШ-Югославия

«Г» гуруҳи

1. Руминия. 2. Колумбия. 3. Англия. 4. Тунис

№ 15 15.06. Марсель. 14.30. Англия-Тунис
№ 16 15.06. Лион. 17.30. Руминия-Колумбия
№ 31 22.06. Монпелье. 17.30. Колумбия-Тунис
№ 32 22.06. Тулуза. 21.00. Руминия-Англия
№: 45 26.06. Сен-Дени. 21.00. руминия-Тунис
№: 46 26.06. Ланс. 21.00. Колумбия-Англия

«Н» гуруҳи

1. Аргентина. 2. Япония. 3. Ямайка. 4. Хорватия

№ 13 14.06. Тулуза. 14.30. Аргентина-Япония
№ 11 14.06. Ланс. 21.00. Ямайка-Хорватия
№ 27 20.06. Нант. 14.30. Япония-Хорватия
№ 28 21.06. Париж. 17.30. Аргентина-Ямайка
№ 47 26.06. Лион. 16.00. Япония-Ямайка
№ 48 26.06. Бордо. 16.00. Аргентина-Хорватия

1/8 финал

№ 50 27.06. Марсель. 16.30. В гуруҳи голиби - А гуруҳи 2-ўрин.
№ 49 27.06. Париж. 21.00. А гуруҳи голиби - В гуруҳи 2-ўрин.
№ 52 28.06. Ланс. 16.30. С гуруҳи голиби - Д гуруҳи 2-ўрин.
№ 51 28.06. Сен-Дени. 21.00. Д гуруҳи голиби - С гуруҳи 2-ўрин.
№ 53 29.06. Монпелье. 16.30. Ф гуруҳи голиби - Е гуруҳи 2-ўрин.
№ 54 29.06. Тулуза. 21.00. Е гуруҳи голиби - F гуруҳи 2-ўрин.
№ 55 30.06. Бордо. 16.30. Г гуруҳи голиби - Н гуруҳи 2-ўрин.
№ 56 30.06. Сент-Этьен. 21.00. Н гуруҳи голиби - G гуруҳи 2-ўрин.

1/4 финал

№ 57 3.07. Сен-Дени. 16.30. № 50 ва № 52 учрашув голиблари
№ 58 3.07. Нант. 21.00. № 49 ва № 51 учрашув голиблари
№ 60 4.07. Марсель. 16.30. № 54 ва № 55 учрашув голиблари
№ 59 4.07. Лион. 21.00. № 53 ва № 56 учрашув голиблари

Ярим финал

№ 61 7.07. Марсель. 21.00. N:58 ва N:60 учрашув голиблари
№ 62 8.07. Сен-Дени. 21.00. № 57 ва № 59 учрашув голиблари

3-ўрин учун ўйин

№ 63 11.07. Париж. 21.00. № 61 ва № 62 учрашувларда мағлубиятта учраганлар

Финал

№ 64 12.07. Сен-Дени 21.00. № 61 ва № 62 учрашув голиблари

Ўйинларнинг бошланиши Париж вақти билан кўрсатилган бўлиб, Тошкент билан фарқ 4 соатни (кейин) ташкил этади.

Ўмид қиламизки, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси мамакалатимиздаги миллионлаб футбол ишқибозлари катта футбол байрамидан баҳраманд бўлишлари, яъни барча ўйинлар телевидение орқали кўрсатилиши учун хайрли ишни амалга оширадилар.

М.САНОВ тайёрлаган.